



## СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДА “ОБИКОР” АРПА НАВИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<sup>1</sup>З.И.Усаров

Қ.х.ф.ф.д.,

<sup>2</sup>Т.Маматқулов

Қ.х.ф.н.,

<sup>3</sup>М.Н.Покровская

Қ.х.ф.н.

<sup>1,2,3</sup>Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7421314>

### ARTICLE INFO

Received: 30<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 08<sup>th</sup> December 2022

Online: 10<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Авлод, агротехника, арпа, бошоқ, дурагай, нав, селекция, танлаш, тур хили, якка танлаш, ҳосилдорлик, чапиштириш.

### ABSTRACT

Мақолада Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг суғориладиган майдонларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида яратилган “Обикор” арпа навининг яратилиши, етиштириш агротехникаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Республикамизнинг кўпчилик ҳудудлари табиий-иқлим шароити арпа етиштириш учун ноқулай ҳисобланади. Ер майдонларининг 60% га яқини турли даражада шўрланган, кўпгина майдонлар сув билан етарлича таъминланмаган. Арпа экини етилиш даврида, Республика баҳорги серёғин кунлар, ёзги қўрғоқчил кунлар билан жуда тез алмашинади. Натижада, ҳосил сифати бузилиб, ҳар йили арпанинг 20-30% ва ундан ортиқ ҳосили йўқотилмоқда. Кескин иссиқ таъсирида бошоқларда дон тўлишмайди, бошоқларнинг учки қисмида дон шаклланимайди. Арпа донини шаклланиши ва ривожланиши, (гуллаш, сут, мум пишиш фазалари) ҳаво хароратининг кўтарилиши, намликнинг пасайиш даврига тўғри келади. Бундай шароитлар арпа экини ҳосилдорлигига ва дон сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳаво ҳарорати юқори ва тупроқ намлиги паст бўлган шароитларда арпанинг эртапишар, юқори ҳосилдор ва сифат кўрсаткичлари юқори ҳамда иссиқликка чидамли навларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади [2]. Иссиқликка, ётиб қолишга, қўрғоқчиликка, касалликларга чидамли навлар об-ҳаво шароити турлича бўлган йилларда ҳам юқори ҳосил беради. Юқори ва сифатли ҳосил олиш учун фақатгина кўп маротаба суғориш ёки ўғит бериш билан эмас, балки айти табиий иқлим шароитига мос бўлган навларни танлаш орқали ҳам эришиш мумкин [1].

ФАО нинг 2022 йил берган маълумотларига караганда дунё бўйича арпа майдони 63,8 млн/га, ҳосилдорлик 21,2 ц/га, Республикамизда эса умумий экилган майдон 91909 минг/га бўлиб, ҳосилдорлик ўртача 19,5 ц/га ни ташкил этган [3].



Суғориладиган ерлар учун арпа экиннинг иссиқликка чидамли, эртапишар, ҳосилдор навларини яратиш арпа селекциянинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз тадқиқотимизда республикамиз суғориладиган майдонларида эртапишар, иссиқликка бардошли, касалликларга чидамли арпа нав ва намуналарининг бошланғич манбаларини яратиш ҳамда улар асосида селекция ишларини олиб боришдан иборатдир.

Илмий тажрибалар Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йилларда

суғориладиган майдонларида олиб борилди. Тадқиқотлар якунида арпанинг Обикор нави яратилди. Обикор нави Kc/MullersHeydla//SiS/3/GkOmega навлари чатиштирилиб, олинган дурагайдан яккалаб танлаш йўли билан яратилган.

**Биологик тавсифи.** Тур хили Паллидум (Pallidum) биологик ҳаёт тарзи дуварак. Бошоғи олти қаторли, цилиндрсимон, бироз эгилган, сариқ рангли, қисқа, зич (4 смда 17-18 дон бошоқча жойлашган), бошоқда ўртача 57 дон дон мавжуд. Дони ўртача катталиқда, 1000 дон дон вазни 33,4 - 36,1 гр, дон ҳажм оғирлиги 610 г/лни ташкил этади.



**1-расм. Обикор нави Агробиологик тавсифи.** Нав эртапишар ўсув даври 120-164 кун, ётиб

қолишга, тўкилишга ва қишлашга юқори бардошли, касаликларга (гельминтоспориз, ун шудринг) нисбатан чидамли. Обикор навининг ҳосилдорлик имконияти кузги муддатда экилганда (51,8-67,3 ц/га), баҳорги муддатда (36,2-41,8 ц/га) дон ҳосил беради.

**Биологик хусусияти.** Обикор нави турли тупроқ-иқлим шароитларига

мослашган. Уруғлари 1-2 °С ҳароратда униб чиқа бошлайди. Униб чиқиш учун оптимал ҳарорат 20-22 °С. Майсалари 8 °С совуққа бардош беради. Гуллаш ва пишиш даврида барглари совуқдан зарарланиши мумкин. Доннинг тўлиш даврида муртак учун 1,5-3 °С совуқ ҳам хавфли.

Юқори ҳароратга (40 °С юқори) жуда чидамли. Ўсув даврида 1900-2000 °С самарали ҳарорат талаб қилинади. Энг кўп сув найчалаш фазасининг охири, бошоқлашга тўғри келади. Оптимал



ҳарорат ва тупроқ намлигида тупланиш коэффиценти 2,5-3,0 бўлади, намлик камайса бу кўрсаткич пасаяди. Суғоришга талабчан, ўсув даврида тупроқда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70 % кам бўлмаганда юқори ҳосил беради.

**Етиштириш технологияси.** Обикор нави учун суғориладиган ерларда яхши ўтмишдош экин қатор оралари ишланадиган ва дуккакли ўсимликлар хисобланади. Ўғитга талабчан, Кузда экишдан олдин 8-10 тонна гўнг 90 кг фосфор ва 60 кг калий берилса яхши самара беради.

Обикор нави кузги буғдой, жавдар, тритикалега нисбатан эрта, Ўзбекистон шароитида жазирама иссиқлар, гармсел бошлангунча етилади. Шунинг учун тупроқ ва ҳаво қурғоқчилигидан кам зарарланади. Кузги, қишки, баҳордаги намликлардан яхши фойдаланади.

**Экиш муддати.** Экиш учун 1-синф талабаларига жавоб берувчи, 1000 дона

дон вазни 35-40 г, ўсиш кучи 95 % кам бўлмаган уруғлардан фойдаланилади. Уруғлар албатта экишдан камида бир ой олдин фунгицидлар билан ишланади.

Ўзбекистонда кузги муддатларда октябр, ноябр ойларида, баҳорги муддатларда феврал ва март ойининг бошланишида, ер етилиши билан экилади. Экиш муддатини кечиктириш ҳосилдорликнинг кескин пасайишига олиб келади.

**Экиш меъёри.** Кузги муддатда 4,0-4,5 млн.дона, баҳорги муддатда 3,0-3,5 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида белгиланади.

**Озиқлантириш.** Ўғитлаш шудгорлашдан олдин соф ҳолда 90 кг фосфор, эрта баҳорда (март) биринчи озиқлантириш даврида 70 кг иккинчи марта найчалаш даврида 80 кг миқдорида азотли ўғитлар билан озиқлантирилади.



## 2-расм. Обикор арпа навини минерал озиқлантириш

Обикор нави қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2020 йил 22 декабрдаги 42-сон қарори бўйича 2021 йилдан Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро

вилоятлари бўйича 2022 йилдан Жиззах, Сирдарё вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилди ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари учун истиқболли нав сифатида кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига рўйхатга олинди [4].



**References:**

1. Аманов А., Зиядуллаев З.Ф., Ўринбоев Т.Х., Нурбеков А.И., Маматқулов Т., Умиров Н.Ж., Орипов Ш.Х. Суғориладиган ва лалми ерларда буғдой ва арпа навларини жойлаштириш бўйича йўриқнома. Тошкент - 2004. (20), 5-б.
2. Маматқулов Т., Холдоров А.А., Усаров З.И., Хусанов О.Н. Лалмикор майдонларда арпа етиштириш бўйича тавсиялар. Тафаккур нашриёти, Тошкент-2020, 7 бет.
3. ФАО статистика маълумотлари 2022 йил
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Тошкент 2022 йил